

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ XXI АСРНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИНИ МАМЛАКАТИМИЗДА ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Gazeta 1997 yil
27 avgustdan chiqq
boshlagan

№ 50 (166),
13 - 19 dekabr
2000 yil



... Олдимизда турган барча ғов ва тўсиқларни енгиш жараёнида халқимиз учун энг таъсирчан курулға айланадиган куч — бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтиришдир.

(Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқидан.)

Эртага Тошкентда II чакириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг IV сессияси ўз ишини бошлайди.

Сессияда янги тахрирдаги «Судлар тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек «Мудофаа тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор янги қонунлар лойиҳаларини депутатлар муҳокамасига тақдим этиш кўзда тутилган.



ФИДОЙИЛИК ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ АЛБАТТА ҚАДРЛАНАДИ

Бутун Ўзбекистон халқи республикамиз ҳаётидаги энг улғу кун — Конституция кунини зўр шоду хуррамлик билан нишонлади. Умумхалқ байрами орафасида эса анъанага кўра Оксарой қароргоҳида Мустақиллиқнинг 9 йиллиги муносабати билан турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб келаётгани учун Ватанимизнинг юксак ордени ва медалларига, фахрий унвонларига сазовор бўлган ҳамюртларимизнинг катта гуруҳига мазкур мукофотларни тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда юксак мукофотларни эгаларига Президент Ислам Каримов топширди.

Истиқлол байрами арафасида тақдирланган фидойи инсонларга мукофотларни топшириш маросимлари Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ва Республика прокуратурасида ҳам ўтказилди. Матбуот марказидаги маросимда мамлакатда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотларда фаол иштирок этиб, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшган оммавий ахборот воситалари, маданият ва маънавият ходимларидан бир гуруҳига фахрий унвон, орден ва медалларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

Республика прокуратурасида бўлиб



ўтган ана шундай тадбирда эса Республика Бош прокурори Рашитжон Қодиров қисқача нутқ сўзлаб, барчани Конституция кунини билан қўтлади.

— Мустақиллигимизнинг пойдевори бўлиб хизмат қилаётган Конституциямизнинг ҳар бир моддаси инсон ҳуқуқлари, демократия, халқ ҳокимиятчилиги, қонун устуворлиги ғоялари билан йўғрилган, — деди Бош прокурор. — Ўтган давр мобайнида Республика прокуратура идоралари ходимлари ҳам фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний

манфаатларини ҳимоя қилишда, қонунустуворлигини таъминлашда фидойилик намунасини кўрсатдилар.

Шу йиллар давомида прокурор-тергов ходимларидан 86 нафари давлатимизнинг юксак ордени ва медал-

лари, фахрий унвонлар билан тақдирлангани уларнинг фидойи меҳнатиغا берилган юксак баҳодир. Зеро, Конституцияда белгилаб қўйилганидек, мустақил Ўзбекистонимизда инсон ва унинг манфаатларидан давлат ва жамият манфаатларидан устун туради. Ҳалол ва фидойи меҳнат эса ҳар доим давлатимиз томонидан муносиб тақдирланади.

Бош прокурор Мустақиллиқнинг 9 йиллиги байрами арафасида Президент Фармонига мувофиқ мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги меҳнати учун тақдирланган прокурор-тергов ходимларининг бир гуруҳига давлат мукофотларини топширар экан, уларнинг келгуси ишларидан муваффақиятлар ва бундан ҳам юксак мукофотларга мушарраф бўлишларини тилади.

(Ўз мухбиримиз.)

М.НУРИНБОЕВ олган суратлар

ҚАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ИЖРОСИ — ПРОКУРАТУРА ЭЪТИБОРИДА

Келажаги буюк бўлган давлат ва жамият куриш — бизнинг олий мақсадимиздир. Президентимиз айтганидек, шу мақсадга етишнинг муҳим шартин... бизнинг ўрнимизга келадиган авлоднинг билим савияси ва тафаккурига боглиқ.

Бундай мураккаб вазифа кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини тўла-тўқис ва ўз муддатида амалга оширишни талаб этади. Зеро, бу Дастур ана шу юксак мақсадимизнинг негизини ташкил этади. Мазкур Дастурда таълим ислохотлари йўналишида 1999-2000 йилларда республикамиз бўйича 187 та академик лицей ва касб-хунар коллежлари куриш ва 110 та шундай муассасани таъмирлаш кўзда тутилган эди. Таъкидлаш керакки, бундай улкан вазифани амалга ошириш учун ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Орадан ўтган икки йиллик вақтда кўзланган мақсадга эришилди-ми?

Республика прокуратурасида бўлиб ўтган Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгашининг навбатдаги йиғилишида ана шу ҳаётини масала атрофича муҳокама қилинди.

КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ВАЗИФА

Шу масала юзасидан маърузада таъкидланишича, кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурига мувофиқ академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари тармоғини яратиш ва ривожлантириш, уларни республика ҳудудида макбуя жойлаштириш ва замонавий талабларга мувофиқ техника билан жиҳозлаш бўйича белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан 1999 йил ва 2000 йилнинг ўтган даври мобайнида катта ишлар амалга оширилган.

Шунинг билан бирга Республика Олий ва ўрта-максус таълим Вазирлиги, унинг касб-хунар таълими Маркази, тегишли ҳокимликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан мазкур вазифаларни изчиллик билан амалга оширишда, академик лицей ва касб-хунар коллежлари курилиши, таъмирланиши ва қайта жиҳозланишига ажратилган бюджет

маблағларини, бюджетдан ташқари фондлар, корхоналар, ташкилотлар ва ҳомийлар маблағларини жалб этишда, бундай муассасаларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаларини мақсадли ва қонуний ишлатишда қўллаб жиддий қонунбузилишларга йўл қўйилган.

Мазкур масалада ўтказилган текшириш ҳужжатларига, мавжуд қонунчилик ва статистика маълумотларига кўра Республикада қайд этилган даврда фойдаланишга топширилган ва янгидан қабул қилинган академик лицей ва касб-хунар коллежларида курилиш ва таъмирлаш ишлари кўп ҳолларда тегишли давлат стандарти ва меъёрлари талаблари даражасида амалга оширилмаган.

(Давоми 2-бетда.)

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

A.ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Botir Po'latov,
Baxtiyor Nazarov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Dilshod Islomov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Zayniddin Mamadaliev

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34**E-mail:** huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar e'lonlarga
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta andozasi tahririyat
kompyuter markazida
Pentium-II MMX - 333
kompyuterida sahifalandi.
Sahifalovchi B. SAIDOV
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
konserni bosmaxonasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma T - 1149
Nusxasi — 12720

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00

Bosmaxonaga
topshirildi 20.00

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir

D. XALILOV

Navbatchi N. MAHMUDOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

КАДРАЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ИЖРОСИ — ПРОКУРАТУРА ЭЪТИБОРИДА

(Бошлангичи 1-бета.)

Урта махсус ва касб-хунар таълими Марказининг 1999-2000 йилларда академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланишни таъминлаш фаолияти ҳам қониқарсиз аҳволда қолган.

Республика буйича 1999 йилда 16 та академик лицей ва 100 та касб-хунар коллежлари янгидан қурилиш ва реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилиши белгиланган эди. Шундан факат 15 та академик лицей ва 85 та касб-хунар коллежлари ишга туширилиб, қолган 17 таси 2000 йил ҳисобига ўтказилган.

қармалари томонидан назорат ва талабчанлик сусайтириб юборилганлиги оқибатида бир қатор пудрат-қурилиш ташкилотлари бажарилган иш ҳажми ва сарфланган қурилиш материаллари нархини ошириб кўрсатиш, коэффицентларни нотўғри қўллаш йўли билан пул маблағларини ноқонуний ўзлаштириш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган.

Қашқадарё вилоятидаги Қовчин касб-хунар коллежи қурилиши учун ўтказилган тендер савдосида «Гидроқурилиш» очик турдаги акциядорлик жамияти ғолиб чиқиб, қурилиш ишларини 2000 йил 15 август-гача тугаллашга келишилган. Тен-

коллежи қурилишида йўл қўйган қўбридаги сингари қонунбузарликлар оқибатида коллеж қурилиши ниҳоясига етказилмасдан бюджетдан 99 млн. 169 минг сўмлик қарздорлик вужудга келган.

Республика прокуратураси томонидан Тошкент шаҳри А.Икромов туманидаги 306-урта таълим мактабини академик лицей сифатида қайта қуриш бўйича объектда ўтказилган текширишда «Сифат» лойиҳа қурилиш акциядорлик жамиятининг 36-сонли қурилиш бошқармаси томонидан жами 16 млн. 199 минг сўмлик қурилиш-пудрат ишларини қўшиб ёзиш ва қурилиш материалларининг нархини ошириб кўрса-

касб-хунар коллежларининг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилмасдан қилишининг асосий сабабларидан бири - буюртмачилар томонидан пудрат ташкилотларига лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган пул маблағларининг ўз вақтида ўтказиб берилмаганига қаратилди. Бунга доир етарли далиллар келтирилди.

Наманган, Жиззах, Андижон, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари капитал қурилиш бошқармалари томонидан пудрат-қурилиш ташкилотларига жами 4 млрд. 857 млн. сўм пул маблағлари ўтказиб берилмасдан қолган.

Сирдарё вилоятида 2000 йилда академик лицей ва касб-хунар коллежларини қайта таъмирлаш учун 319 млн. 929 минг сўм ва янгидан қурилатган академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун эса 1 млрд. 652 млн. 523 минг сўм маблағ ўтказиб берилмаган.

Наманган вилояти, Поп туманидаги 36-хунар билим юртини касб-хунар коллежига мослаб қайта таъмирлаш бўйича пудрат шартномасида қурилиш ишлари умумий қийматининг 15 фоизи, яъни 57 млн. сўм олдиндан ўтказиб берилиши кўзда тутилган бўлса-да, ҳақиқатда 5 млн. 800 минг сўм ўтказиб берилган, холос.

Республика прокуратураси идоралари томонидан мазкур масалада ўтказилган текшириш натижаларига кўра ваколатли идоралар ва мансабдор шахсларга 12 та протест, 113 та тақдиминома ва 106 та амрнома киритилган, 104 та шахс қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳусусида оголланмаган, 107 та ходим интизомий, 226 та киши маъмурий ва 21 та шахс моддий жавобгарликка тортилган, 4 млн. 123 минг сўмлик зарар ихтиёрий ундирилган ва судларга 14 та даъво аризалари юборилган, камоманд ва бошқа суиистеъмол ҳолатлари бўйича бир нечта жиноят иши кўзга тилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокуратуралари томонидан бу борада ўтказилган назорат текширишлари бўйича ахборотномалар таҳлили ушбу масалаларнинг долзарблигига қарамасдан, назорат идоралари текширишни ташкил этиш ва амалга оширишга масъулиятсизлик билан қараганликларидан далolat беради.

Энг аввало, жойларда ушбу соҳада тарқалган қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича амалий чоралар қўрилмаган. Мазкур масалаларни тартибга солувчи Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари талабларининг бажарилиши юзасидан доимий прокурорлик назоратини қўнайтириш зарур.

Кенгаш йиғилишида мутасадди ташкилот ва идораларнинг бу соҳадаги фаолиятини яхшилаш ва назоратни қўнайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ВАЗИФА

Режада 2000 йилда 5 та академик лицей янгидан қурилиб ишга туширилиши кўзда тутилган бўлса-да, шу давр мобайнида бирорта ҳам академик лицей қурилиши тугалланмаган, янгидан қурилиши режалаштирилган 50 та касб-хунар коллежидан эса бор-йўғи 11 таси фойдаланишга топширилган.

Шунингдек, жорий йилда 14 та академик лицей ва 115 та касб-хунар коллежи режалаштирилган ҳолда янги ўқув йилининг бошланишига факатгина 6 та академик лицей ва 40 та касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилган.

Текширишларда аниқланишича, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг қурилиши ва таъмирлаш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларисиз бошланган, мавжуд лойиҳалар сифатсиз тайёрланган. Лойиҳа-сметада кўрсатилмаган ишлар бажарилиб, бюджет маблағларининг ортқча сарфланганлиги, шартнома шартлари ва мажбуриятлари белгиланган тартибда ижро этилмаганлиги тегишли мутасадди ташкилотларнинг раҳбар ва бошқа масъул шахслари ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлиги оқибатидир. Бажарилган қурилиш-монтаж ва бошқа хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширмаслик, ушбу ишларнинг олдиндан 15 фоиз тўловларсиз бажарилиши, баъзида тегишли шартномалар тузилмаслиги, иш ҳажмларини расмий ҳисобот маълумотларига қўшиб ёзиш йўли билан асоссиз даромад олиш, жуда кўп ҳолларда эса қурилиш ва таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш учун ажратилган бюджет ва бошқа пул маблағларининг бошқа мақсадларга сарфланганлиги, шу жумладан, мансаб суиистеъмолликлари оқибатида талон-тарож ва ўзлаштиришларга йўл қўйилган.

Республика маркази ва ҳокимликларнинг капитал қурилиш бош-

дер савдоси коллеж қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлмасдан ўтказилган. Қурилиш учун вилоят капитал қурилиш бош-

қармаси томонидан 2000 йил 1 сентябрга қадар 493 млн. 933 минг сўм пул маблағлари ўтказиб берилганлигига қарамасдан, 100 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилмасдан қолган. Вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган

текширишда ажратилган пул маблағларининг 41 млн. 576 минг сўми коллеж қурилишига умуман аллоҳси бўлмаган бошқа мақсадларга сарфланганлиги, бажарилган ишлар ҳажмига ҳақиқатда бажарилмаган 359 минг сўмлик ишлар қўшиб ёзилганлиги ва материалларнинг қимматлашуви натижасида 4 млн. 672 минг сўмлик материаллар лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган нархларга нисбатан ошиқча олинганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, мазкур акциядорлик жамияти моддий жавобгар ва мансабдор шахслари томонидан 215,1 минг сўмлик қурилиш материаллари ва бошқа моддий қимматликлар талон-тарож қилинган.

Акциядорлик жамияти мансабдор шахсларининг ушбу касб-хунар

тиш-йўли билан ноқонуний даромад олиниб, буюртмачи - Тошкент шаҳар академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилишлари дирекцияси манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилганлиги аниқланган.

Республика ўрта-махсус касб-хунар таълим Маркази ҳамда вилоятлар ҳокимликлари ва ҳудудий бошқармалар томонидан идоравий назорат ва талабчанликнинг сусайтириб юборилганлиги оқибатида айрим пудрат қурилиш ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун ажратилган маблағларнинг мақсадсиз ишлатилишига йўл қўйилган.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилиши ва уларни таъмирлашга жалб қилинган пудрат қурилиш ташкилотлари томонидан Республика бўйича жами 34 та ҳолатда 372,8 млн. сўм шу жумладан Сирдарё вилоятида 93 млн. 656 минг сўм, Қашқадарё вилоятида 90 млн. 833 минг сўм, Хоразм вилоятида 85 млн. 706 минг сўм, Тошкент вилоятида 46 млн. 800 минг сўм ва Фарғона вилоятида 39 млн. 319 минг сўм пул маблағлари бошқа мақсадларга ишлатиб юборилган.

Бу соҳадаги камчиликлар ҳақида гап бор экан, мажлис иштирокчилари эътибори академик лицейлар ва

Республика ўрта-махсус, касб-хунар таълим Маркази ҳамда вилоятлар ҳокимликлари ва ҳудудий бошқармалар томонидан идоравий назорат ва талабчанликнинг сусайтириб юборилганлиги оқибатида айрим пудрат қурилиш ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун ажратилган пул маблағларининг мақсадсиз ишлатилишига йўл қўйилган.

ОБУНА - 2001 ДАВОМ ЭТМОҚДА

«ХУҚУҚ» СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ ЭМАСМИ?

«Қонун ҳимоясида» журнали ва «Хуқуқ» газетасининг жойлардаги фаол ўқувчилари ташаббуси билан обуна қизғин давом этмоқда.

Лекин таҳлил пайтида нашрларимиз етиб боролмаётган туманлар ва қишлоқларнинг ҳам борлиги маълум бўлиб қолди. Масалан

(10 декабрга), Сурхондарё вилоятининг Термиз ва Қизирик туманларида нашрларимизга атиги биттадан обуначи «топилди».

Бойсун туманида эса учтадан обуначимиз бор.

Шуниси ҳам шукр...

МУВОФИҚЛАШТИРUVЧИ КЕНГАШ

МАҲКУМ УЙГА ҚАЙТДИ. КЕЙИН-ЧИ...

Аввал хабар қилганимиздек, Республика прокуратурасида ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши навбатдаги мажлисининг кун тартибидagi биринчи масала - мукаддам судланганлар томонидан қайта содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишга шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш борасидаги қонунчилик талабларини бажариш устидан прокурор назоратининг аҳолини ўрганиш натижалари юзасидан Республика прокуратураси бошқарма бошлиғи А.Нисёзов маъруза қилди.

— Мустақилликка эришганимиздан сўнг инсонпарварлик тамойилига асосан бир неча марта «Амнистия тўғрисида» Президент фармонлари эълон қилинди. Мазкур фармонлар туфайли маҳкумларга кейинги ҳаётларида яхши ўзгариш ясашлари учун яна бир бор имконият яратиб берилди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бундан тўғри хулоса чиқариб олаётгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг 2000 йил 2-ярим йиллиги учун белгиланган иш режасига мувофиқ 1999 йил ва 2000 йилнинг 6 ойи мобайнида мукаддам судланганлар томонидан содир этилган жиноятлар сонининг ўсиши сабабларини таҳлил қилиб чиқдик.

1999 йил давомида жазони ижро этиш муассасаларидан бўшаб келган шахсларга 1 миллион сўмга яқин моддий ёрдам берилгани ва бир неча мингта собиқ маҳкум иш билан таъминлангани бу соҳада маълум тадбирлар амалга оширилганини кўрсатади.

Жорий йилнинг 6 ойида жазони ўтаб қайтган собиқ маҳкумларга беш юз минг сўмликдан кўпроқ моддий ёрдам берилди. Улардан кўпчилиги иш билан таъминланди.

Лекин бу етарли эмас. Айрим ташиқлотлар раҳбарлари судланганларни ишга олишда турли баҳоналарни рўқан қилишмоқда. Масалан, Навоий вилоятидаги ахволга тўхталиб ўтадиган бўлса, вилоятнинг Навоий пахта тозалаш заводи, 2-сонли қурилиш монтаж бошқармаси, Балиқчилик қорхонаси, «Навоий-савдо» акционерлик уюшмаси, Навоий электртармоқлари қорхоналари мансабдор шахслари (квота) иш ўринларига йўлланма билан келган шахсларни ишга қабул қилишни асосий рад этганлар.

Энг ачинарлиси, айрим жойларда кўнчиқа маркази масъул ходимлари мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, ҳужжатлари қалбақлаштириш йўли билан судланган, моддий ёрдамга муҳтож бўлган шахсларга берилиши лозим бўлган маблағларни талон-тарож қилиб келмоқда. Фарғона вилоятининг Богдад тумани ҳокимиятига қарашли кўнчиқа маркази бошлиғи Ш.Хошимов 1999 йилнинг февраль-август ойлари давомида бор-йўғи 22 нафар қамқондан озоод этилган шахсга моддий ёрдам пули тарқатган ва уларга тарқатилиши керак бўлган маблағдан 5700 сўмини ўзлаштирган.

Жазони ўтаб қайтган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш уларни яна жиноят қилишдан асрашда муҳим омили ҳисобланади.

Қонунда кўрсатилишича, судьянинг қарори маъмурий назорат ўрнатиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бу судьялар зиммасига катта масъулият юклайди. Лекин ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга доир бу муҳим тадбирга айрим судьяларимиз масъулиятсизлик билан қармоқдалар.

Жомбой туман судининг қарори билан И.Ашуровга «тўйларда ва байрамларда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш манъ этилади», деган чеклашга йўл қўйилган. Ва фуқаро конституционий ҳуқуқларидан маҳрум этилган. Судларнинг бундай ноқонуний қарорларини бошқа вилоятларимизда ҳам ҳам ўқратилишимиз мумкин.

— Ортимизда барқарор ва оқойишталаниш таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳодимларининг хизмати беқисс. Неча-неча баҳодир йигитларимиз юрт оқошчиларини Ватанимиз тинчлигини сақлаш учун курашда жон фидо қилдилар. Бурча сардоқат, Ватанга муҳаббат намуналарини кўрсатаётган қўлбил милиция ходимлари ҳақи равишда эл ардоғига сазовор бўлмоқдалар. Бирок гурч курмаски бўлмайди деганларидек, афсуски айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳодимлари жиноятга қўл уриб, мундир шаънига доғ туширмоқда. — Прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи О.Ҳамроевнинг маърузаси ана шу оғриқли муаммага бағишланди.

— Қилинган сай-ҳаракатлар натижасида шу йилнинг ўтган 9 ойида умумий жиноятлар сони 3,5 фоизга қамайди. Ўтқарилмиш билан фахрланишга ҳақлимиз, — деб ўз сўзини давом эттирди маърузачи.

— Бирок, жиноят ва ҳуқуқбузарликка қўл урётган ҳодимларнинг ўчраётганлиги қадрларни танлаш, ишга қабул қилиш, лавозимларга тайинлаш, уларнинг билим савияси, қасб маҳорати, маънавий қиёфасини юксалтиришда олиб бораётган ишларимизда камчиликлар кўпчилигидан далолат беради.

Шунинг учун ҳодимларимизнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан ариза ва хабарлар сони ортиб бормоқда. Ўзи қонун ҳимоячиси, ҳуқуқ посбони бўла туриб қонунни бузган, ҳатто қотилиб, порахўрлик, зўрлаб номусга тегиш, безорилик ва бошқа жиноятлар содир этиш даражасида тубанлашган шахсларнинг оғрамида ўчраётганлиги бу ҳақда ҳиддий ўйлаб қўришимиз кераклигини кўрсатади.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Самарқанд вилоят ДСБ собиқ раҳбари Б.Иброҳимов мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, муттасил равишда кейинги йилларда жиноятчиликнинг уйсига айланиб қолган «Самарқанд-Калифорния» қўшма қорхонаси, яъни Самарқанд арқ заводи собиқ директори Ўлмас Жабборов раҳнаомлик қилган уюшган жиноий ғуруҳнинг фаолиятига тўқинлик қилмаслик эвазига бу жиноий ғуруҳлардан мунтазам равишда катта миқдорда пора олиб келган. Б.Иброҳимов суд ҳукми билан 12 йил озодликдан маҳрум этилди.

Гивеандлик билан боғлиқ жиноятларнинг бошида айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳодимлари турганлиги гоят ачинарли ҳолдир.

Сурхондарё вилояти ИИБ ЖБЖ ҳодимлари А.Исмоилов ва Ш.Қиёмовлар «Тихо» автомашинасида 25 кг. «опий» гивеандлик воситасини олиб кетаётган Э.Ҳақимов ва И.Муродовларни ушлашган. Кейин қонун посбонлари қонуний чора кўрмаслик эвазига улардан 10 минг АҚШ долларини талаб қилишган. Энг қизиғи, ИИБ ЖБЖ бўлими ҳодимлари олинган гивеандлик воситасини танишлари А.Назаров, Т.Отбаев ва Р.Набиевларга «Газ - 3102» ва «Нексия» автомашиналари эвазига ўтказишган.

Мувофиқлаштирувчи кенгашда билдирилган танқидий фикрлар атрофлича муҳокама этилди. Камчиликларни бартараф этиш, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари сафини яхшидонли, қатъиятлик, ўз бурнига сардоқат билан хизмат қиладиган кадрлар билан мустаҳкамлаб бориш, идоралараро ҳамкорлиқни ҳар томонлама мустаҳкамлаш тадбирлари белгилаб олинди.



«ҚАРЗ, У АСЛИДА КИМНИКИ?»

(«Нигуқ», 2000 йил, 4 октябрь, 39-сон)

Дехқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси раҳбарлиги газетда чоп этилган ушбу мақола юзасидан қўйидагиларни маълум қилади:

Газета дехқон ва фермер ҳўжаликлари фаолиятида ўчраётган муаммолардан бирини кўтарган. Ушбу мақола дастлаб Республика уюшмасининг шу йил 6 октябрда ўтказилган йиғилишида кенг ва атрофлича ўрганилиб, муҳокама этилди. Уюшма мутахассислари газета таҳририяти энг долзарб мавзунини кўтариб чиққанлиги, бу дехқон ва фермер ҳўжаликлари фаолиятидаги айрим муаммоларнинг ҳал этилишига туртки бўлишини таъкидладилар.

Республика уюшмасининг тақлифи билан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар вакилликларига ушбу мақолани жойларда ишлаб чиқиш юзасидан телефон хабарномаси орқали тегишли кўрсатма берилди.

Шунингдек, Республика уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимовага

2000 йил 3 октябрда хат билан мурожаат қилиб, жойларда фермер ҳўжаликларига жамоа ҳўжаликларининг мавжуд кредиторлик қарзларини тақсимлаб бериш баҳонасида улар фаолиятига тўқинлик қилинаётганлиги, бу ҳақда фуқаролардан шикоятлар тушаётганлигини билдириб, бу муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатишни сўраган.

Республика Дехқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси мамлакатимизда дехқончилик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган газета таҳририяти ижодий жамоасига ўз миннатдорчилигини билдиради. Шу билан бирга, фаолият кўрсатаётган дехқон ва фермер ҳўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда бундан кейин ҳам энг муҳим ва долзарб мавзуларни еритиб боришга ишонч билдиради.

А.БОБОМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Дехқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси

МАҚСАДИМИЗ МУШТАРАК

Эътироф этиш керакки, муаллиф қишлоқ ҳўжалиги соҳасида юз бераётган долзарб, дехқон ва фермер ҳўжаликлари учун муаммо бўлган масалани кўтарган. Бирок таъкидлаш жоизки, мақолада қайд этилган ҳолатлар Республика прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси томонидан аввалдан ўрганилган. Бундай қонунбузулишлар прокуратура идоралари томонидан илгари ҳам ҳозир ҳам аниқланиб, тегишли прокурорлик таъсир чоралари орқали бартараф этилганини алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман. Лекин айрим ҳудудларда бундай қонунга зид ҳолатлар ҳамон ўчраб турибди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза туғилади: бу каби қонунбузулиш ҳолатларини нафақат қайд этилган масала юзасидан, балки назорат фаолиятимизнинг бошқа қатор йўналишларида ҳам ўчратилиш мумкин ва уларнинг тақдорларимизнинг кафолатлаш мушкул. Чўнки жиноят, қонунбузарлик қачон, қаерда содир бўлишини олдиндан айтиш қийинлигини ҳамма яхши билади. Лекин уларнинг олдини олиш, қонунбузарликларга йўл қўймайлик тадбирларини белгиллаш ва содир этилганларига, аввало, айбдорларга нисбатан қонуний чораларни қўллаш муқаррар бўлиб, уни таъминлаш барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу қаторда прокуратура идораларининг ҳам вазифасидир. Бу муҳим вазифани амалга оширишда кенг жамоатчиликнинг иштироки ҳам зарурий шартдир.

Ўтган давр мобайнида Республика Президенти ва ҳукумати томонидан қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, эркинлаштириш ҳамда ҳуқуқий ҳижатдан қафолатлашга доир изчил олиб борилган ишлар натижасида қўллаб муаммолар ўз ечимини топиб ва нодавлат шаклидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятларини амалга оширишларига тўқин бўлаётган ҳар қандай қўри-нишдаги салбий ҳолатларни бартараф этиш учун йўллар очилди.

«Қарз, у аслида кимники?» мақо-ласида ҳам бу эътироф этилди. Шунингдек, муаллиф билан яна бир нуктада ҳамфикрман. Қишлоқ ҳўжа-лигини ислох қилишдаги энг асосий масалалардан бири — дехқон ўзини томон маънода ҳўжайин ва мулк эгаси деб ҳис қилишига боғлиқ.

Республика прокуратураси идораларининг асосий фаолият йўна-лишларидан бири ҳам шу мақсадни

қўзлайди. Жойларда қишлоқ ҳўжалик ширкатларининг эски қарзларини янги очилган фермер ҳўжаликларига ўтказиш ҳолатлари юқоридаги мақ-садга мос эмаслигини барчамиз яхши биламиз.

Жойларда ўтказилган текшириш-лар даврида «Қарз, у аслида кимни-ки?» мақоласида қайд этилган ҳолат-лар ҳам аниқланган ва ўз вақтида тегишли прокурорлик таъсир чо-ралари қўлланиб, бартараф этилган.

Масалан, Жиззах вилояти ҳоким-лигининг 2000 йил 6 март кунги йиғи-лиши қарори билан ҳўжаликларнинг бир неча йиллик қарзларини кейинги даврда ташкил этилган фермерлар ҳисобига ўтказиш белгиланган.


Мазкур қарорнинг тегишли банд-лари амалдаги қонунларга зид бўлган-лиги боис вилоят прокурорининг 22 мартдаги протести билан бекор қилинган.

Таъкидлаш керакки, вилоят про-куратураси ўз вақтида аниқлаб бар-тараф этган қонунбузулиш ҳолати ҳали туман миқёсида кенг тарзда содир этилмасдан туриб олди олин-ди.

Лекин бир қатор ҳудудлардаги туман ҳокимларининг тегишли қарор-лари билан янгидан ташкил этилган ва этилаётган фермер ҳўжаликларга ушбу нодавлат шаклдаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг катта миқ-дордаги қарздорлик мажбуриятлари юклатилишидек ноқонуний ҳолатлар-га йўл қўйилган. Эътироф этиш ке-ракки, бу ҳолат айниқса Сирдарё вилоятининг бир неча туманларида рўй берган.

Республика прокуратураси топи-риғи асосида мазкур қонунбузулиш ҳолатлари ўрганилиб, фермер ҳўжа-ликлари зиммасига қонун талаблар-ига зид равишда белгиланган маж-буриятлар улар ҳисобидан чиқари-лиши таъминланган.

Бир мақолага
ИККИ ЖАВОБ



Хусусан, ушбу вилоятнинг Сай-хунобод, Ш.Рашидов, Мирзабод туманлари ҳудудларида ҳам худди шундай ҳолатлар кузатилган.

Мирзабод тумани ҳокимлиги-нинг шу мазмундаги 30 та қарорига туман прокурори томонидан жорий йилнинг май ойида протест берил-ган ва улар туман ҳокимлигининг 6 июлдаги 292-сонли қарори билан бекор қилинган.

Юқоридагилардан қелиб чиқиб, «Қарз, у аслида кимники?» мақола-сидаги баъзи ўринларга эътироз туғилади. Ушбу мақоладаги «жой-ларда фермер ҳўжаликларига қар-зларни тақсимлашнинг оммавий равишда авж олишига қарамасдан, факатгина Сирдарё вилояти проку-ратураси томонидан бу масала юқори ташкилотларга ўрганиб чи-қиш учун тақлиф тарқатилганга юбо-рилган» жумласи бирон-бир ҳуж-жат билан асосланмаган. Юқорида келтирилган мисоллар Республика прокуратураси умумий назорат бошқармаси томонидан бу борада изчил фаолият йўлга қўйилганли-гининг ўзига хос исботидир. Мақо-ла охирида келтирилган «муаммо-га ҳуқуқ-тартибот идоралари ўз му-носабатларини билдиради деб умид қиламиз», деган сўзларга қайд этилган назорат ишлари тегишли-ча жавоб деб ўйлайман.

Ушбу мақолада келтирилган Бу-лунгур, Меҳнатобод ва Ховос ту-манларидаги айрим фермер ҳўжа-ликларига юклатилган қарзларнинг қелиб қиқши сабаблари қачон, ким томонидан ва қандай расмий ҳуқуқий - меъёрий ҳужжат билан асослантирилганлигига қонуний баҳони ушбу туман прокурорлари бериши лозим.

Мақолада келтирилган масала-ринг ечими топилади, албатта.

Шундай бўлса-да мақола муал-лифига миннатдорчилигини бил-дираман, зеро, бошқармаимиз на-зорат фаолиятида ўзига хос ечи-мини топиш заруриятини келтириб чиқарган, уни ҳал этиш учун бир қанча мутасадди вазирилик ва идо-ралар раҳбарлари билан мулоқот-да «бош оғритилган» масала кўта-риб чиқилган.

Ғулможон ШУКУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси Умумий назорат
бошқармаси бошлиғининг
ўринбосари, адлия катта
маслаҳатчиси

ПРОКУРОР:

ХИМОЯ ҚИЛАДИ
НАЗОРАТ ҚИЛАДИ
ФОШ ЭТАДИ

Азалдан қоқилган инсонларга ёрдам бериш, мухтожларга мурувватли бўлиш каби инсоний фазилатлар юқори баҳоланиб келинган.

Хайтда эса баъзида бунинг аксига ўхшаш ҳолатлар ҳам учраб турар экан. Ҳокимият рухсати билан бир фуқаро эндигина кириб жойлашган уй яна бошқа ҳокимият рухсати билан бошқа бир кишига бериб юборилса, кўпинча тақдир экан-да, деб ўзимизга таскин берамиз. Албатта қонунни билмаслик ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаслиқдан асраб қола olmayди. Агар бундай ҳолатга ногирон, қария ёки мустақил ҳаётга эндигина қадам қўяётган ўспирин тушиб қолса-чи. Бундай моҳирода ютиб чиққан томон эса албатта галабадан қанчалик хурсанд бўлишини, ютказган томон эса қанчалик сарсон-саргардон бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу тариқа одамлар орасидан меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат кўтарилишига ҳам кўникиб кетаверамиз-у, аммо бунинг сабабчиси ҳақида қизиқмаймиз. Балким улар ҳам ўз ҳаракатлари билан бундай машаа келиб чиққанлигини билишмас. Яхшиси ана шундай ҳаётнинг бир воқеани — ногирон аёл қандай бошидан кечирганлиги ва у кўз ёшлар билан бирга ўз ҳаракати туфайли адолатга эришганлиги ҳақида ҳикоя қилиб, бунинг келиб чиқишига асосий сабабчи бўлган ҳокимият ходимлари келгусида бундай хатога йўл қўймайдилар, деган умид қиламиз.

АРИЗА

Ҳурматли Бош прокурор! Қасбим ўқитувчи. 25 йил шу касбнинг номини еб, ўз касбимга садоқат билан ишладим. Лекин шу ёшга кириб бирон ташкилотга ариза ёзмаган эдим. Аммо, ҳаётдаги ноҳақликлар ёрдам сўраб ариза ёзишга мажбур қилди. 1992 йил 21 февралда кўни Самарқанд шаҳри «Артём» кўчасидаги 69-уй ёниб кетди. Болаларимиз билан кўчада қолдик. 1992 йил 7 июлда Сиеб тумани ҳокимиятининг 141-сонли қарори билан бизга «Сартепа» мавзесидаги 170-уйнинг 7-хонадонини берилди. Қувончимиз узоққа чўзилмади. Қасалхонада ётганимда уйимга Самарқанд шаҳар ИИБ (2-ГОМ) бошлиғи М.Набиев кириб олибди. Менинг қонуний уйимни қайтариб беришда ёрдам беришингизни сўрайман.

Самарқанд шаҳри

Сиеб тумани, Даҳбет кўчаси 24-уй 8-хонадонда (ижарада) яшовчи
4 фарзанднинг отаси Феруза Иноқовадан.

Феруза опа фарзандлари билан бирга янги уйга кўчиб кириб яшай бошлайдилар. Орадан кўп ўтмай унинг бошига яна оғир қулат тушди: қизи Дилфузадан ажралиб қолди. У автоҳалокат туфайли вафот этди. Унинг ёнида бўлган Феруза опа ҳам қаттиқ шикастланиб қасалхонага тушиб қолади, узоқ вақт даволанади.

Ҳақиқий машаа эса ана шундан сўнг бошланади. Феруза опанинг уйига янги «хўжайин» чиқиб қолади. Энг қизиғи шундаки, уйнинг янги эгаси ҳам уйга қонуний хўжайин эди. Сабаби уйнинг янги эгасига Боғишамол туман ҳокимияти томонидан 1997 йил 24 декабрда уйга эгалик ҳуқуқини берувчи ордер берилган эди. Махмуд Набиев қўлидаги ордер билан Ф.Иноқованинг уйига келиб, кўни-қўшниларнинг ҳой-хўйига қарамасдан унинг уй-жиҳозларини машинага ортиб номаълум жойга элиб қўяди. «Бу уйнинг ҳақиқий хўжайини менман» деб, норозилик билдирганларга ИИБ бошлиғи Махмуд Набиев қўлидаги ордери пеш қилади. У уйнинг ёғоч эшиғи ўрнига темирдан эшик ўрнатиб яшай бошлайди.

Орадан кўп ўтмай бундан хабар топпан Ф.Иноқованинг қасали яна хуруж қилиб қолади. У М.Набиевдан уй уники эканлиги ва бўшатиб беришини сўраганида «агар сиз ҳам шундай ордер олиб келсангиз, уйни бўшатиб бераман» деган жавобни олади. Бу гапни эшитган Феруза опанинг фиғони фалакка чиқди.

У бироз оёққа тургач, адолат қидириб вилоятдаги барча нуфузли идораларнинг эшигини қоқа бошлайди. Лекин ҳеч кимдан нажот топа олмади.

Сўнгги бор Боғишамол туман ҳокимиятининг уй-жой масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари Аҳмадjon Тўрақуловга учрашди. У ҳам «вақтида уйнинг ҳужжатларини тайёрлабмангиз, айб ўзингизда», деб хонасидан чиқариб юборади. Аёл кўзида ёш билан оиласининг бошига тушган қуфатларни айтиб ундан ёрдам беришларини сўради. Аммо унинг кўз ёшларига ишонадиган, бахтсиз оиласи бошига тушган қуфатларни енгиллаштириб ёрдам берадиган бирон-бир одам топила-майди.



Феруза опа Самарқанд вилоятининг ИИБ бошлиғи(собиқ) ва прокурори(собиқ) номига ёрдам сўраб кўплаб аризалар ёзди. У ердан бор отангга, бор онангга қабилидаги жавобдан бошқа ҳеч нарса ололмади.

Уйнинг янги эгаси Махмуд Набиев ҳам ўзича ҳақ эди. Чунки, унинг қўлида туман ҳокимияти 1997 йил 24 декабрда берган ордери бор. Аммо Ф.Иноқова ордер олиш

муддатини қасаллиги сабабли ўтказиб юборгани учун қарордан бошқа ҳужжатга эга эмасди.

Энг қизиғи, Боғишамол туман ҳокимияти ўз хатосини тузатиш ўрнига жанжални нима билан туга-шини кўтиб ўтирарди.

Ушбу низоли хонадон масаласи охири оқибатда судгача етиб борди.

Аммо бу фуқаролик иши судда ҳам вақтида ўз қонуний ечимини топа олмади.

1992 йил Сиеб судида (судья

БИР УЙГА ИККИ ҚАРОР УЗОҚ ҚУРАШЛАР НАТИЖАСИДА ЖАБРДИЙДА АЁЛНИНГ ЎЗ УЙИГА ЭГА БЎЛИШИ ХУСУСИДА

Шерийгитов) ушбу фуқаролик иши кўриб чиқилди. Судда даъвогар Феруза Иноқованинг Махмуд Набиевга берилган ордери ҳақиқий эмас деб топиш хусусидаги даъво аризаси рад эти-

либ, фуқаро М.Набиевнинг Сартепа мавзесидаги 170-уйнинг 7-хонадонидан фойдаланиш ҳуқуқини беришлик ҳақидаги даъвоси эса қаноатлантирилди.

Феруза опа ўзини энди осмон баланд, ери қаттиқ бўлиб қолди. У йилгирма беш йил ўқитувчилик қилиб дунёда бунчалар ноҳақлик борилигини билмаганди. У ўзича «Нахотки адолат бўлмаса», деган ҳаёлга ҳам борди. Лекин ҳақиқат эгилди-ю, аммо синмас экан. Фақат ана шу умидларгина уни Бош прокурор номига юқоридagi шикоят хатини ёзишга ундади.

Республика прокуратураси Фе-руза Иноқованинг шикоят хатини

иш материаллари билан бирга син-чиклаб ўрганиб чиқиб, фуқаролик иши бўйича чиқарилган суд қарорларини асоссиз ва бекор қилини-ши лозим, деб топди ва Республи-ка Олий судига протест киритади.

«...Иш материалларига қара-ганда, суд томонлар ўртасидаги низоли ҳал қилишда ФПКнинг 15,57-моддалари талабларини бажармаган.

Сиеб туман ҳокимиятининг 1992 йил 7 июлдаги қарори билан низоли уй Ф.Иноқованинг унинг му-қаддам яшаб келган «Артём» кўчасидаги 69-уйни ёнидан тало-фат қўрганлиги сабабли 6 ки-шидан иборат онла аъзолари би-лан кириб яшаш ва ундан фой-даланишлари учун бириктирил-ган.

Низоли уйни жавобгарга бе-риш тўғрисидаги ҳокимият фар-мойиши ва қарорларини бекор қилмай, Боғишамол ҳокимияти Уй-жой кодексининг 45-моддаси талабларига хилоф равишда, Ф.Иноқова яшаб келаётган ва унинг мулк-жиҳозлари мавжуд бўлган уй учун М.Набиевга ор-дер берган.

Ваҳоланки Уй-жой кодекси-ни

ҳақидаги вазларини умуман тек-ширмаганини баён этган.

Иш материалларига кўра, суд ишининг бу ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бермай эътибордан четда қолдирган, яъни ишни бир то-монлама кўрган.

Бундан ташқари, Самарқанд вилоят ҳокимиятининг 1998 йил 17 декабрдаги 187-Ф сонли фар-мойиши билан Боғишамол туман ҳокимияга гайри-қонуний қарор чиқариб, низоли уйни қонунга хилоф равишда даъвогар М.На-биевга берганлиги учун, «хайф-сан» эълон қилинган (и.в.-163). Бу ҳолат ҳам Иноқованинг ҳуқуқлари поймол қилинганли-гининг далилидир.

Иноқова ҳамда унинг қўшни-лари 1997 йил 27 декабрда, яъни Набиев низоли уйга эшикни бу-зиб кирган кўни ҳуқуқни муҳо-фаза қилиш идораларига ариза билан мурожаат этиб, унда Ино-қованинг 6 йил мобайнида низо-ли уйда ўз фарзандлари билан яшаб келаётганлигини, Набиев қўл остидаги ходимлари ёрдами-да низоли уйга гайриқонуний ра-вишда кириб жойлашгани сабаб-ли унга қонуний чоралар кўри-ши сўрашган.

Гарчи, ушбу ариза Набиевнинг судга берган даъвосидан олдин ёзилган бўлсада, аммо суд ушбу ҳолат бўйича прокуратура ва ИИБ органлари томонидан ўтказил-ган текширув материалларини олиб қонуний баҳо бермаган.

Бундан ташқари, судда сўроқ қилинган маҳалла кўмитаси ра-иси А.Ҳамроқулов Иноқованинг низоли уйда яшаб келаётганини, 1997 йил 27 декабрда милиция ходимлари уйга эшикни бузиб киришгани, бу вақтда уй ичида Иноқовага тегишли бўлган ҳамма мол-мулк ва жиҳозлар мавжуд-лиги, у Набиевга бу уйда одам-лар яшаётганлигини айтганлиги, аммо у низоли уйдан Иноқова-нини мол-мулклар ва жиҳозла-рини машинага ортиб кетганлиги ҳақида баён қилган.

Ушбу ҳолатлар жавобгар Ино-қова низоли уйда қонуний асо-да яшаб турганлигини, ҳокимият томонидан Набиевга ордер бўш бўлмаган хонадонга берилган-лигини тасдиқласалар-да суд бу ҳолатларга умуман баҳо берма-ган.

Суднинг ушбу хатолари вило-ят судлов ҳайъати ва Раёсати то-монидан ҳам эътиборсиз қолди-рилиб, ноконуний суд қарорла-ри кучда қолдирилган.

Мазкур протест Ўзбекистон, Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқиб, фуқаролик ишини янгидан кўриш ҳақида ажрим қилади.

Ушбу иш Сиеб туман суди 2000 йил 3 сентябрь кўни кўриб чиқиб, уйни Ф.Иноқовага қолдириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

...Феруза Иноқова қадрдон уй-ига етишганидан йиллаб юборади. У ўзича пичирларди: «Дунёда яхши одамлар бор экан, адолат қарор топаверади».

Адолат қарор топди. Аммо ора-дан ўтган 3 йил...

Шухрат ИКРОМОВ,
Республика прокуратурасининг
бўлим прокурори.
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Хўқуқ» муҳбири

Узоқ йиллар Корақалпоғистоннинг чорвачилик ҳўжаликларидан бирида молбоқар бўлиб ишлаган, олижаноб инсон Сафарбой оғадан (марҳум) эшитганим бир ҳикоя ҳали-ҳануз эсимда. Ҳикояни сиз ҳам эшитиб кўринг-а.

ҲАРОМДАН ҲАЗАР

Чўпонлар ўтлоқ жой ахтаришибди. Ислаб-ислаб кўзланган жойни ҳам топишибди. Улар бу ерда кўпим топишган, анча вақт қолиб кетишибди. Кеч кузда яна қишловлари томон қайтибди.

Вақт алламаҳал бўлиб, қош қорайиб қолган экан. Осмонни қора булут қоплаб, шаррос ёғибди. Подачилар сўқмоқ йўлларни элас-элас кўришарди. Улар шу тариха чарчаб, ярим кечдада қодирларига етиб келишибди.

Эрталаб туриб қараша қўрада молларнинг анчаси йўқ эмиш. Хайрон бўлишибди. Қаерга йўқолдикин? Борманган жойи, сўрамаган одамлари қолмабди. Қаерга боришса ҳам «кўрмадик», «билмадик» деган жавобни олишибди. Нима қилишсин, шунча мол йўқолиб кетаверадими?

Шу тариха ойлар, йиллар ўтибди. Ҳалиям йўқолган моллардан дарак йўқ. Улар охири «қашқирлар еб кетган бўлса керак», деб умидларини узишибди.

Кўнлардан бир кун қарашаси, уларнинг қишловларига бир мўйсифид чол анча моллар билан кириб келибди.

— Кўп кутдик, суриштирдик. Негадир ҳеч кимдан дарак бўлмади, бу моллар ўзимизнинг Сафарбой оғанинг моллари бўлса керак-ов, чунки бунақа зотли моллар фақат унда бор эди, деб олиб келавердим. Мана, марҳамат қилиб, санаб олинглар, ўзларингга буюрсин, — дебди мўйсифид.

Чол дастурхонда турган ноннинг бир четидан кемтиб синдириб олиб, озгина соларкан, фотиҳага кўл очибди.

— Тўхтанг ога, — дебди Сафарбой чўпон. — Тўшунмадик. Ахир биз юзта эмас, элликта миллимизни йўқотганмиз. Элликтаси ортиқча-ку.

— Йўқ, — дебди яна чол. — Икки йил ичиде молларингиз тугиб кўпайди. Буни бандасидан яширган билан худодан яшира олмаймиз, ўғлим. Эртага оқиратда бу яхши-ёмонликларнинг сўроғи бор-а. Ҳизматимиз ҳолис, розимиз.

Молбоқарлар бу гаплардан кўпм хайрон бўлишарди. Чунки, дивнатли инсонлар кўп бўлган у замонларда бу табиий ҳол ҳисобланган. Шундай бўлсада, ҳазилакам эмас, юзта молни Сизники деб олиб келиш, бу ҳаманинг ҳам қўлидан келавермайдик, ахир. Молбоқарлар молларнинг топилигидан хурсанд бўлишарди.

Ҳаётда шундай олийҳиммат одамларни сиз ҳам учратганмисиз? Баъзида бунинг акиси ҳам бўлади. Мана бу воқеага қўлоқ тутинг-а.

Сансизбой Сирғабоев ширкат ҳўжалигида тулпа-тузук ишлаб юрарди. «Яхши йигит» деб таъриф беришарди Сансизбойга. Шундай «яхши йигит», дунёвий хирса берилди-ми, машина мингиси, айш-ишрат қилиб юргиси келдики ким билари дейсиз, ширкат ҳўжалигида тегишли ўзи боқиб юрган молларни ливҳона йўқота бошлади.

1993 йил октябрдан 1999 йил март ойигача ишлаган даври унинг ҳаётида «ўчмас из» қолдириб. «Аспанта» овул ҳўжалигига қарашли қора моллардан анчасини ўзлаштириб камомадга йўл қўйди.

Бу ҳолат бўйича туман прокуратураси томонидан текшириш ўтказилганда Сансизбой ҳаром билан ҳалолнинг фарқига бормаслиги маълум бўлди. Камомад 1 миллион 148 минг 229 сўм.

Терговда Сансизбойдан «Шунча молни нима қилдингиз?» деб сўрадик.

У молларнинг 27 бошини камомад қилганини, қолган 15 бош молни эса Чимбой туман бозорига олиб бориб номаълум шахсларга пуллаганини айтиди.

Бўзатов туман судининг ҳукми билан у 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди ва ҳўжалика келтирилган зарар тўлиқ ундирилганда бўлди.

Мақсуд туманининг «Қорақалпоғистон» ширкат ҳўжалигида ферма мудир бўлиб ишловчи Кенгесбай Аҳенжонзоннинг қилиши бироз бошқачароқ. Кўнлардан бир кун у ўртоғи, молбоқар Тўрабой Бўрнбоевга сирини очди.

— Тўрабой, бир гап бор оғайни. Агар ҳеч кимга мик этмасанг, сенга айтаман, — дейди.

— Э, ёшулли, қизикмисиз? Қачон сизнинг гапингизни бировларга айтибман, — дейди Тўрабой.

— Бўлмаса гап бундай. Бундан кейин менинг кўрсатмам билан иш қиласан.

— Ҳўп ёшулли. Сиз нима десангиз шу-да, — жавоб беради Тўрабой.

— Унда мана булодадаги бир бош сизгирни буюзга билан тун қоронгисиде олиб чиқиб сотиб, пулини олиб келасан. Сен ҳам улушингни оласан. Жавобгарлиги менинг бўйнимда, — дейди Кенгесбай.

— Баҳарамиз, ёшулли, баҳарамиз, — илтифот кўрсатади Тўрабой.

Шундан кейин Тўрабой ширкат ҳўжалигига қарашли фермадан бир бош сизир ва буюзқин Чимбой тумани мол бозорига олиб бориб, 55 минг сўмга пуллайди. Пулини эса «ёшулли»ни Кенгесбайга беради.

Им-жимида битказилган ишининг иси чиқмаган, мудирга жон қиради. Энди Тўрабойга танишлари орқали бир машина ем олдиришни буюради. Эвазига ферма ҳисобидан бир бош мол беришга ваъда қилади. Ҳўжалигининг сўзини икки қилмасликка ўрганган Тўрабой Чимбой туманида ишлайдиган таниши Жумамуродов Худойбергандан бир машина ем олиб, ўрнига бир бош қора мол беради.

Кенгесбай энди очкичасига ўта бошлади. Молбоқарларнинг отларига ем оламиз деган баҳонада бир бош қорамолга бир машина ем олади.

Бунақа қўнғирликларни кўриб турган Тўрабой ҳам ўзини тия олмади: ўзининг жавобгарлигидеги бир бош молни билдирмасдан ўз фондасига ўзлаштириб юборди. Шу тариха ҳаромдан ҳазар қилмаган мудир ва молбоқар 4 бош қора молни ҳўжатларни қалбақлаштириш билан талон-тарож қилишди.

Бу уларнинг жиноий жавобгарлигига тортилишига сабаб бўлди.

Қонун-ку ўз сўзини айтиди. Аммо бунақа ноҳус ҳолатлар суд амалиётида бот-бот учраётгани ачинарлидир. Ёзганларимиз қимларгадир ибрат бўлишини жуда-жуда истайди. Ахир, Ҳадиси шарифда ҳам «Ҳаромдан саклан, қимиларнинг обидроғи бўласан», деб бежизга айтилмаган. Келинг, ҳар тонгда ҳар бир ишга қўл урганимизда шу муборак калом дилимизда бўлсин.

Собит ЮСУПОВ,
Бўзатов туман прокурори
Н.ОҚНАЗАРОВ, «Ҳуқуқ» муҳбири

МАЛАКАЛИ ТЕРГОВДАН НАМУНАЛАР

Қизил Яримой жамияти ҳақида кўпчилик эшитган бўлса-да, яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз: Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти 1925 йилда ташкил этилган бўлиб, ногиронлар, якка- ёлғиз яшовчилар, қариялар ва аҳолининг кам таъминланган қисмига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатади. Қизил Хоч ва Қизил Яримой жамиятлари халқаро федерацияси 1993 йил январда Тошкентда ваколатхонасини очган бўлиб, Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти 1995 йил декабрда мазкур федерацияга аъзо бўлган. Жамият қандай маблағлар ҳисоби-га фаолият олиб боради, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. «Жамиятимиз корхона ва ташкилотларнинг, саховатпеша юртдошларимизнинг, шунингдек, чет эллардаги турдош миллий жамиятлар ҳамда Қизил Хоч ва Қизил Яримой жамиятлари халқаро федерациясининг ёрдами билан фаолият юргизади» дейди Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти ходими Русина Назарова.

Ҳаётда нималар бўлмайдик дейсиз. Беш бармоқ баравар эмаски, кимдир яхши яшайди, кимнингдир турмуши бироз... Яна кимдир яхши ҳулқи билан жамоа обрўсига обрў қўйса, биров қингир иши билан мисқоллаб йиғилган шунча обрўни бир пул қилади.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа Хоразм вилоятининг Хонқа туманида бўлиб ўтган.

Азалдан шундай бўлиб келган. Биронинг муваффақиятидан кимдир сунонса, кимдир қунонади. 1957 йили туғилган, Хонқа туманидаги «Олтин Соҳил» ширкат ҳўжалигида яшовчи Шерипбой Аҳмедовнинг 1997 йил 2 январда Хонқа туман Қизил Яримой жамияти кўмитаси раиси этиб тайинланганини эшитиб бировлар ҳавас қилди, бировлар ҳасад. Мансаб мансаб-да. «Бир йигит қирқ йилда камолга етади, қандини урсин» дейишди айримлар. «Қийилганини кўрайин» дея ният қилди ҳасадқўйлар.

Ҳаммаси инсоннинг ўзига боғлиқ. Кимнинг қандайлигини билмоқчи бўлсанг, унга мансаб бериб кўр, деган гап бор. Шерипбой жамиятга раис бўлди-ю, унинг дунёқарашидеги салбий ўзгаришлар моддий аҳолидаги фаровончилик кўринишида акс эта бошлади. Бунинг боиси 3 йил ўтгач, туман прокуратураси умумий нозрат тартибидеа Ўзбекистон Президентининг 1996 йил 10 декабрда эълон қилинган «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Мақамасининг 1994 йил 24 августда қабул қилинган «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги 434-қарорининг ижроси юзасидан Хонқа туман Қизил Яримой жамиятида ўтказган текшириш мобайнида аён бўлиб қолди.

Текшириш якунига кўра Ш.Аҳмедовга нисбатан қўзғатилган жиноят

НАФСИГА ҚҮЛ БҮЛГАН ОДАМ

ишдан иктибос:

«...1999 йил 20 апрель куни АҚШ давлат Департаменти томонидан мурувват сифатида муҳтожларга тарқатиш учун юборилган кийим-кечақларни ўз жавобгарлигига қабул қилиб олиб, уларни тарқатиш вақтида жами 902116,44 сўмлик кийим-кечақларни тарқатмай ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилган».

Шунча молга қонмаган нафс яна нималарни тусамайди дейсиз. Ш.Аҳмедов жиноий фаолиятини давом эттириб, 1999 йил 17 декабрь куни АҚШ қишлоқ ҳўжалиги Департаменти ва Америка Қизил Хочи томонидан Қизил Хоч ва Қизил Яримой жамиятлари халқаро федерациясининг Оролбўйи минтақаси аҳолиси-га ёрдам бериш Дастурига асосан кам таъминланган, қўл болали оилалар, якка-ёлғиз, кекса ва ногиронларга ҳамда сил касаллиги шифохоналарига тарқатиш учун юборилган озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиб олиб, улардан 1885701,30 сўмлик маҳсулотни ўзлаштириб юборади.

Ушбу жиноятнинг очилишига туман «Шонли меҳнат» газетасининг шу йил 2-сонидеа эълон қилинган бир мақола сабаб бўлди. Унда таъкидлангича, Нина Нобель (Уша махшур олим Альберт Нобельнинг набираси) ташаббуси билан олиб келинган хайрия маҳсулотларини тумандаги 700 та оилага 700 та инсонпарварлик ёрдами кўрсатилад. «700 та ёрдам» деган сўз маҳшурок туюлди ва унинг нима экан-

лиги билан қизиқиб кўришга тўғри келди. Маълум бўлишича, битта жўнатмада 6 қадок ун, 6 қадок гуруч, 6 қадок ловия ва икки банка ўсимлик ёғи бўлган. Мана шу жўнатмадан биттадан олдиқ, деб имзо чеккан 700 оила билан суҳбатлашиб чиқишга тўғри келди ва Ш.Аҳмедов ҳар бир жўнатмадаги маҳсулотларни тенг ярмини «уриб қолиб», ўз юртдошларининг ҳақиға ҳиёнат қилганлиги аниқланди.

Ш.Аҳмедов фаолиятининг яна бир гайриқонуний жиҳати шуки, у озиқ-овқат олувчи ҳар бир фўқаро-

дан мажбурий равишда Қизил Яримой жамиятига аъзо бўлиш учун 350 сўмдан аъзоллик бадали йўғиб, йиғилган 148945 сўм пулни қўнтағига уради.

Ҳисоблаб кўрилса, Ш.Аҳмедов гайриқонуний ўзлаштирган жами маблағ 2936762,74 сўмни ташкил этар экан. Иқтисодиётда «истёмолат саватчаси» деган тўшунча бор. Бу бир кишининг ўртача яшаш учун кетадиган харажатлар жамланмасини билдиради. Ҳозир Ўзбекистонда минимал иш ҳақи 2450 сўм эканлигини айтсак, Шерипбой ўзлаштирган маблағ бор бўй-баста билан кўз олдимизда намён бўлади.

Шерипбой айбиги иқрор ва қилмишдан қаттиқ пушаймон эканлигини билдириб, суд ҳайъатидан енгилроқ жазо беришларини сўради. Хоразм вилоят суди ҳайъати Ш.Аҳмедовни Жиноят кодексининг 167-моддаси 1-қисми «а» банди, 205-моддаси 2-қисми «в» банди, 209-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбли деб топди ва икки йилга раҳбарлик лавозимини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, мол-мулкни мусодара этган ҳолда опти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Нафсига қўл бўлган одам бир кунги бадном бўлиши муқаррар. Шундай эмасми?

Шухрат АБДАЛЛИНОВ,
Хонқа туман прокурори
Ҳасан НИШОНОВ,
журналист

ФОЖИА САБАБЧИСИ — ЛОҚАЙДЛИК

... ҚИШЛОҚ ЧЕККАСИДАГИ ҚАБРИСТОНДА ИККИ УЮМ ТУПРОҚ ПАЙДО БҮЛДИ. БИР НЕЧА КУНКИ, БУ ЕРГА ИККИ ОНА ҲАР ТОНГ КҮЗДА ЁШ БИЛАН КЕЛИБ КЕТАДИ

Лоқайдлик сўзини ҳар кунги кўп бор эшитганимиз сабабли айрим ҳолларда унчалик аҳамият бермай қўямиз. Агар ҳаётда лоқайдликка чек қўйилганида эди, ҳар тонг юраклари эзилган икки она қабристонга келмас эди.

...Эши эллиқдан марказ П.Минасанова узоқ йиллардан Бўён Зарбдор ошқазни касалхонасининг болалар муолажаси хонасида эмловчи ҳамшира бўлиб ишлаб келарди. Шу йилнинг 4 июль куни «қаҳрамон»имиз ўз вазифасига лоқайдлик қилди. Маҳалла ҳамширалари М.Абдувалимова ва Г.Сафароваларга қизимизга қарши вақцинани қўнуга зид равишда бериб юборади. Маҳалла ҳамширалари эса 1999 йил 25 мартда туғилган Ш.Товбеков ва 1999 йил 23 март куни туғилган Ж.Қосимовни махсус эмлаш хонасига олиб келмай эмлашди. Оқибатда вақцинадан заҳарланган болалар 5 июль куни туман Марказий касалхонасининг жонлан-тириш бўлимида вафот этди. Мана сизга лоқайдликнинг оқибати. Ушбу воқеа чўқур таҳлил қилинган, фожиянинг бош айбдори ҳамшира Перида Минасанова эканлиги маълум бўлди. Қизимизга қарши эмлаш муолажасини ўзи қилиши ўрнига бу ишни бажариш

ҳуқуқига эга бўлмаган ҳамшираларга топширган ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1999 йил 29 декабрдаги 259-сонли қарорига зид иш тутган. Оқибатда эса...

Бир инсоннинг ҳаётдаги лоқайдлиги икки оила бо-шига оғир жудоллини келтирди. Биз бу ҳақда энди қанчалик қўйиниб ёзмайлик, лоқайд қимсаларни жазо-ламайлик барибир икки норасидани ёруғ оламга қай-тара олаймиз. Қалби армонга тўлган жабрдийда оналарнинг дардига малҳам бўла олаймиз. Дили пора оналарга фақат Яратгандан сабр-бардод тилай-миз. Биз ҳар кунги қўнлардаги чиройли шiorларни ўқиб ўрганиб қолганмиз. Уларнинг кўпчилиги чиройли сўзлардан иборат. Бу яхши шiorлар. Кайфиятимизни кўтарди. Аммо, ана шу гўзал сўзлар битилган шior-лар ёнига инсонларни ҳушёрликка чақирадиган лоқай-дликка барҳам берадиган ёзувларга қизимиз тўхса ёмон бўлмасди, деб ўйлайман. Шояд, бундай шiorлар ўз ишимизга виждонан ёндошишга туртки бўлса. Ло-қайдликка отилган ҳар қандай ўқ жамият тараққиётига хизмат қилади.


Шавкат МАРДОНОВ, Зарбдор туман прокурори

Азиз ватандошлар!

Yangi yil bilan!

XXI АСРГА ЁРУҒЧОЗ ВА ЮКСАК ОРЗУЛАР БИЛАН

ҲАМКОРЛИККА
ТАКЛИФ ЭТАМИЗ



Бутун инсоният сингари улуғ Ўзбекистон халқи ҳам хаяжонли кунларни бошидан кечирмоқда. Ҳадемай буюк воқеа ва кашфиётларга бой XX аср билан хайрлашиб, янги асрни зўр шодиёна билан кутиб оламиз.

ЭЛЛИКҚАЛЪА
«ОЛТИН ТОЛАСИ»

ХИССАДОРЛИК

ЖАМИЯТИ,

«БЕРУНИЙ ПАХТА
ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ»

ХИССАДОРЛИК

ЖАМИЯТИ ВА

«ТЎРТКЎЛ ПАХТА
ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ»

ХИССАДОРЛИК

ЖАМИЯТИ

Улуғ ва унутилмас воқеа арафасида бутун Ўзбекистон халқига табрик саломини йўллайди. XXI аср ҳар бир инсон учун бахт-иқбол, саодат ва тараққиёт асри бўлсин!

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Отанинг кўнгли негадир безовта. Ўглининг ўқишга кира олмаганидан эмас, албатта. Бу йил кира олмаган бўлса, келаси йил яна урилиб кўради. Аслида айб ўзида. Ошна-оғайиларнинг «Ҳой, ҳозир ўқишга кириш учун билим эмас, пул керак» деган гап-сўзларига учмади. Чиндан ҳам, ўглининг билимига ишонди.

Нима бўлганда ҳам айти пайтда кўнгли нотинч. Сабаби, ўқишга кира олмаган ўғли қишлоққа қайтишни ор билиб, шаҳарда қолди. Баъзи ҳамқишлоқларининг айтишича, уни шаҳарда ёлланиб ишлаб юрганида учратганимиш. Ота бир ҳисобдан ўглининг бу ҳаракатидан ич-ичидан суюнди. Сабаби, ўғли ўзига тортди. Ўзи ҳам ёшлигида шунақа бировга бўйин эгмайдиган, қайсар эди. Бошқа тенгдошларига ўхшаб бекорчиликдан санғиб юраверганда нима қиларди? Ахир «мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмас» деган гап бор. Бироқ ота ўглининг ўзидан йироқда юришига қўнқолмасди. Ким билади, ҳозирги замонда дўст бор, душман бор. Кўзидан йироқда яхши-ёмонга қўшилиши турган гап. Ёшлиқ қилиб қўймасмикан?

...Охири бўлмади, ўғлини қайтариб келишга қарор қилди. Иш бўлса, шу ерда ҳам топилади. Бегона жойда, бунинг устига бегона одамларнинг эшигида саргайиб юришига йўл қўймайди. Ёнида бўлса, ҳеч бўлмаса уй юмушларига қарашар.

Ана шундай ўйлар билан ота Бекободдан Тошкентга йўл олди. Ўғлини таниганлардан уни Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигида жойлашган иссиқхонада ишлаётганини билиб олди. Тўғри шу ерга борди. Уни қарши олган аёл ўзини Назира деб таништирди.

— Шу десангиз, қизим, ўғлимни излаб келувдим. Илҳомжоннинг отаси бўламан.

Аёл бир лаҳза саросималангандек бўлди. Отага бошдан оёқ разм солиб чиқди.

— Илҳомжонни адаси бўласизми? Ҳа, у бизда бироз ишлаганди. Лекин... лекин уни кетганига бир ойдан ошди.

— Нега кетади? Қайққа кетади? Ахир...

Отанинг хаёллари тўзғиб кетди. Нима қилгани билан олмай қолди. Унинг бу ҳолатини кузатиб турган аёл ҳам негадир ўзини йўқотиб қўйди. Отанинг «Ўғлимни қаердан топсам бўлади? Сизларга бирор нарса деб кетмаганими?», деган саволига: «Ҳеч нарса билмаймиш», деди-ю, ундан узоқлашди.

Ота шу кўнгли ўзида Бекобод туман ИИБга хабар қилди. Кейинроқ ИИБга ҳам ёрдам сўраб мурожаат этди. Қўнларнинг бирида уни чақиртириб қўлишди. Тергов ходими уни қарши олиб гап бошлади:

— Ота, ўғлингизни қидириш ишлари давом этаяпти. Ҳозир айтадиган гапимни оғир олмасиз деб уйлайман. Шу йил 24 феврал кўни «Қорақамиш» каналдан номаълум йигитнинг жасади топилиб. Айрим белгилари Илҳомжонникига тўғри келади. Яхшиси, ўзингиз қўнларингизни маълум.

Ота терговчининг юзига тик қаради. Ҳазаб билан қаради. Қўнларини мушт қилиб тугди. Бутун вужудини титратиб келаётган «Менинг ўғлим ўлган эмас» деган ҳайқирикни ана ўша муштлари билан ушлаб қўлиш учун қилди бу ишни. Буни сезган терговчи:

— Ўзингизни қўлга олинг, отахон. Мен сизга ўғлингизни ўлигини топдик, дейётганим йўқ-ку. Фақат қўриб, аниқлик киритсак деяпман холос.

Ота «хўп» дегандай бош силкиди. Улар йўлда кетаркан, отанинг фикрийи номаълум жасадда эди. «Шу бўлиб чиқса-я» — бу хаёл, бу хавотир негадир уни тарқ этмасди. Ниҳоят, етиб келишди. Хоналардан бирига киришди. Терговчи устига оқ чойшаб ташлаб қўйилган бир мурда олдида тўхтади. Ота юраги ўз-ўзидан тез уриб кетаётганини сезди. Хатто унинг дуқиллашини эшитди. Терговчи чойшабни кўтарди. Ота истар-истамас жасадга қаради. Қандайдир лаҳзалар ўтди. Атрофни сукунат қоплаб олди. Ҳеч ким овоз чиқармасди. Терговчи отанинг авзойи ўзгариб бораётганини ҳис этди. Секин отанинг қўлтигидан тутди. Шу пайт оламни аламли ҳайқирик ларзага келтирди:

— Болам-м...

Тезкор-тергов гуруҳи тез орада ўз режасини ишлаб чиқди. Режага

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

Терговда инкор этиб бўлмайдиган фактлар муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят ишида фактлар, гувоҳлар кўргазмалари, тахминлар жамлашиб гумондор олдида қўйилса, у тергов олдида турган сирни фош қилиши мумкин. Бу тергов амалиёти тажрибаларидан бири.

2000 йил 14 апрелдаги суд тиб-

вағ Жамолiddин Зокировлар унга ҳеч тинчлик беришмасди.

Ўша кўни улар «Сен синглимизга тегажқлик қилаяпсан» дея Илҳомни калтаклашди. Биз уларни ажратиб қўйдик. Кечқурун ҳаммамиз ушлаб кириб кетдик. Эрталаб турсам, Илҳом жойида

етишди.

Илҳомжон бугунги жанжалдан кўнгли хуфтон бўлиб кўн бўйи ўридан кўзгалмади. Уйдагиларини эслади. Айниқса, отасининг одамийлик, ҳалоллик ҳақидаги ўғитларини тилида, дилида такрорлади. «Келгуси йил албатта ўқишга ки-

ИССИҚХОНАДАГИ ҚОТИЛЛИК

раман. Отанинг олдида юзим ёруғ бўлади» дея ўзига-ўзи ваъда берди.



Қоронғу тушиб борарди. Қиш эмасми, совуқ этини жунжитирди. Кўрпага маҳкамроқ ўралиб, ухлаб қолди. Туш кўрди. Эгнида оқ қўйлақ, қўлида бир кучок гул. Бекободга кетаётганимиш. Ана онаси кўринди. Яқин қолди. Қўлидаги гулларни онаси томон узатди. Шу пайт қандайдир қўл унинг билгидан тутиб тортиб юборди. Гуллар сочилиб кетди...

— Ҳа, ошик. Ширини туш кўраётувмидила?

Кўзини очди. Қаршисида тиржайганча Баҳром билан Жамолiddин турарди.

— Тур ўрингдан. Гаплашволишимиз керак.

Илҳомжон булардан қутулмаслигини биларди. Барибир айтганини қилди. Ташқарига чиқишди.

— Мени тинч қўйинглар. Кетаман, эртагаёқ бу ердан кетаман.

— Кетасан, қайққа? Аввал мана бунни татиб кўри...» дея Баҳром Илҳомнинг биқинига туширди. Оғриқнинг эўридан Илҳом бук-

биёт экспертизаси ҳулосасига кўра И. Искандиёровнинг танасида тан жароҳатлари аниқланган. Унинг юмшоқ бош тўқималари, кўз соққаларига қон қуйилган. Шунингдек, бу жароҳатлар марҳумнинг тирикчилигида етказилганлигини кўрсатади.

Калаванинг учини иссиқхонадаги маълум. Аммо уни ечилиш учун аниқ далил ва исботлар зарур. Жиноятнинг фош қилинишида марҳумнинг яқин ўртоқлари Д. Соасосан энг аввал Илҳомжон ишлаган иссиқхона суриштирувдан ўтказилиши керак эди. Гуруҳ ишни шу ердан бошлади. Чўнки иссиқхона аъзоларининг орган ходимларини кўргандаги бесаромжонлиги қўлчиликда шубҳа уйотди. Аммо шубҳа, гумон билан иш битмайди.

— Илҳом 24-25 январь кўнлари иссиқхонага ишлаш учун қайтиб келди. Иссиқхона эгалари Баҳром

йўқ. Баҳром билан Жамолiddиндан сўрасам, улар «Дўстинг ўйига «қуён» бўлгандир-да» деган жавобни қилишди. Шундан буён Илҳомни кўрганим йўқ.

Маълум бўлишича, иссиқхонага Илҳомнинг отаси милиция ходимлари билан бирга ўғлини қидириб келади.

Улар кетгач, Жамолiddин ва Баҳром Зокировлар уйдаги ишлайётганларга энди ким келса «Илҳом бу ерда ишламаган денглар» дея тайинлашган.

Гувоҳлар кўргазмаси ва юзлаштириш ҳолатлари ўз вақтида ўтказилиши жиноятнинг тезроқ фош этилишида муҳим ўрин тутди, десак муболага бўлмайди. Бу жиҳат ушбу жиноят ишида ҳам ўзини оқлади.


Гувоҳлар, уларнинг кўрсатмалари, айрим далилий ашёлар олдида Жамолiddин ҳам, укаси Баҳром ҳам айбларини бўйнига олишдан ўзга чора йўқлигини тушуниб

чайганча ерга йиқилди. Пайтдан фойдаланган Жамолiddин кўрпачилдани унинг бўйнига ташлаб бўға бошлади. Илҳомжон бироз қаршилик қилди, аммо кучи етмади. Ҳушидан кетди. Ака-ука бу билан ҳам кифояланмай, беҳуш ҳолатда ётган Илҳомжонни «Қорақамиш» каналига судраб бориб, ташлаб юборишди.

Ота ўғлининг деворда осиглиқ суратига нурсиз кўзлари билан термулади. Оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган фарзандидан ажраганига ҳали ҳам ишонмайди. «Саёқ юрган, таёқ ейд» дейишди. Наҳотки... ўғли саёқ юрган эмас. У ишлай, ота-онамга оғирлигим тушмасин, деди. Балки...

Худойёр ЭГАМБЕРДИЕВ,
А. Икромов туман
прокурорининг ўринбосари,
Ж. ШАРОФБОВЕ,
«Хуқуқ» муҳбири

КРОССВОРД



БЎЙИГА:

1. Осиёдаги давлат пойтахти. 2. Одил Ёкубов қаламига мансуб асар. 3. Ўзбек уруғларидан бири. 4. «Парвона» спектакли бош қаҳрамони ижроچиси Юнусов. 7. Қирғиз эпоси. 8. Яссавия тариқати асосчиси. 9. Неваранинг невараси. 14. Ўрта Осиёдаги давлат пул бирлиги. 16. Нефть маҳсулоти. 17. Тепаси ярим доира шаклида солинган дарвоза ёки эшик. 18. Оғзаки шикоят. 21. Республикада чикадиган журнал. 23. Ташкилот, идора. 24. «Ўзбекфильм» маҳсулоти, бадиий фильм. 26. Остона. 27. Танчанинг шевада ишлатилиши. 29. Жун газлама. 31. Ҳўкмининг бажарилиши.

ЭНИГА:

5. Гўдакларнинг ётоғи. 6. Мусулмонларнинг муқаддас қадамжоси. 10. Истақ, хоҳиш. 11. Санъаткорларни тақдирлаш учун таъсис этилган янги мукофот. 12. Шифо, малҳам. 13. Ақлни пешловчи ўйин. 15. Олий лига футбол жамоаси. 17. «Ота» сўзининг шевада ишлатилиши. 19. «Меҳробдан чаён» асари қаҳрамони. 20. Жаннат, беҳишт. 22. Хазонрез фасли. 25. Нома. 27. Ўткир ҳажвий асар. 28. Эстрада гуруҳи. 30. От номи. 31. Ислоҳ динининг фарзларидан бири. 32. Қишни чорловчи қуш. 33. Териси игнади кемирувчи ҳайвон.

Тузувчи: Ҳ.НИШОНОВ

Газетанинг ўтган сонда берилаган кроссворд жавоблари:

Бўйига: 1. Душанба. 2. «Чаёнгул». 4. Аракс. 5. Фитр. 7. Атоим. 8. Шайтанат. 11. Улоқ. 14. Латиф. 15. Осиё. 17. Ораз. 19. Зино. 20. Илҳомкор. 23. Хола. 26. Астроном. 27. Мозий. 28. Рад. 29. «Тафаккур». 32. Ривоят. 33. «Умид». 35. Дўғов. 37. Омад. 39. Наво. 40. Агра. 41. Зиё.

Энига: 1. «Дарокчи». 3. Фалсафа. 6. Маҳваш. 9. Ёсуман. 10. Отқулоқ. 12. Ёй. 13. Гулистон. 16. Дорихона. 18. Азроил. 21. Таржимон. 22. Бода. 24. Зот. 25. Халфана. 27. Мусофир. 29. Токио. 30. Муаттар. 31. Тарадбўл. 34. Аудио. 36. Романтик. 38. Пароканда. 42. Равишдош. 43. «Кимёгар». 44. Ихота.

ҚАҲ-ҚАҲА

Бемор ҳамширадан кўз-қулоқ шифокорига йўлланма ёзиб беришни илтимос қилди. Ҳамшира эса касалхонада кўз врачи алоҳида, қулоқ-томқ-бурун шифокори алоҳида бўлишини тушунтирди.

— Лекин менга кўз-қулоқ шифокори керак, — туриб олди бемор.

— Ўзи сизга нима бўлган?

— Мен бир нарсани кўраман, бошқа нарсани эшитаман.

Ота ўз ўғлига пул ҳақида тушунтирмоқда:

— Қандай қилиб тушунтирсам экан? Мана, масалан, агар сенда пул бўлса, бу дегани — арок, такси, аёллар. Агар пул бўлмаса, бу — чой, метро ва сенинг ойинг.

Тугруқхона. Пастда ота. Бинонинг учинчи қавати деразасида ёш она.

— Неча кило?

— Уч ярим.

— Бўйи-чи, бўйи?

— 52 сантиметр.

— Кимга ўхшайди?

— А, сен уни танимайсан...

Тикувчи миҳозидан учта ўлчам олди.

Биринчиси — 120 см. Иккинчиси — 120 см. Учтинчиси — 120 см.

— Хоним, белни қаердан оламини?

Ишга кўзи кўтариб келган аёлдан сўрашди:

— Кўзингга нима қилди? Ахир, эринг хизмат сафариди эди-ку...

— Мен ҳам шундай деб ўйловдим-да...

ШУНАҚА ГАПЛАР

КЛИНТОН ЛЕВИНСКИ ҲАҚИДА

Хиллари Клинтон ўз таржимаи ҳоли ҳақида китоб ёзишга қарор қилди. Хонимнинг айтишича, унда албатта Моника Левински билан боғлиқ можаро ҳақида батафсил хикоя қилинади.

— Янги китобни ҳозирданок су-пербестселлер деб аташмоқда, — деб ёзади The Times, — ноширлар мазкур китоб учун АҚШ Президенти рафиқасига рекорд миқдорда қалам ҳақи тўлаши қўйлаётти. Газета хабарига кўра гап 10 млн. доллар ҳақида кетмоқда. Шу пайтгача битта китоб учун General Electric президенти Жек Уелч энг кўп — 7 млн. доллар ҳақ олган эди.

Ҳозиргача китоб номи ва унда аниқ нималар ҳақида сўз бориши номаълум. Хиллари хонимнинг ай-

тишича, у воқеаларни ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб хикоя қилади, чунки шу пайтгача у ҳақда ўзгалар гапириб келди. «Импечмент ва можаро вақтида оиламизга осон бўлмади, лекин мен деярли шу заҳоти эримни кечирганман ва бундан ачинмайман» — дейди Хиллари хоним.

Ёзилажак таржимаи ҳол Хиллари Клинтоннинг иккинчи китоби бўлади. Бунгача у Оқ уй тарихидан хикоя қилувчи хикоялар тўпламини ёзиб тугатган эди.

«ВАРЯГ» БОСФОРГА КИРИТИЛМАДИ

Яқинда Хитой Украинадан қурилиши тугалланмаган «Варяг» авианосецини сотиб олган эди. Туркия ҳукумати уни Босфорга киритилмади.

Турклар расмий сабаб қилиб кеманинг ҳаддан зиёд катталигини (300х72 м, сув сийғими - 65 минг т), бунинг устига унинг диватели йўқлигини, шунинг учун уни бошқариб бўлмастлигини айтишмоқда.

Хитойликлар кемани шатакка олиб Босфордан ўтказмоқчи эдилар. Авианосецини қурганлар ва Хитой ҳукумати мазкур ҳодисанинг сиёсий сабаби борлигини тахмин қилмоқда.

Financial Times газетасининг ёзишича, Туркияга НАТО босим ўтказмоқда, чунки шу пайтгача Хитой самолёт ташувчи кемага эга эмас эди. Хитойликлар «Варяг»ни охиригача қуриб битказса олмасалар-да, унинг қурилишидаги ўзига хос жиҳатларни ўлғаштириб олиши НАТОни ташвишлантирмоқда.

Фозил МАМАШАРИПОВ тайёрлади

СПОРТ

ФИГУ ЕВРОПАДА ЭНГ ЯХШИ

Европада энг оммавий спорт наشري «World Soccer» мухлислари ўртасида ўтказган сўровга кўра Мадриднинг «Реал» клуби ўйинчиси Луиш Фигу Италиянинг «Ювентус» клуби вакили, 2000 йилги жаҳон чемпиони Зайниддин Зиданни ортда қолдириб, Европада 2000 йилнинг энг яхши футболчиси деб топилди. Италия термасини Евро - 2000 финалига олиб чиққан Дино Дзофф эса йилнинг энг яхши тренери деган шарафли номга сазовор бўлди.

БУ ОАМЛА

ЎҒИЛ КЎРАМАН ДЕБ...

Турк оилаларидан бирида эр-хотин ўғил фарзанд кўришни жуда-жуда орзу қилишарди. Бироқ ҳар гал қизалоқ дунёга келарди. Оқибатда бутун турмушлари давомида ушбу жуфтлик 25 нафар фарзанд кўради. Улардан 21 нафари қиз бола бўлиб, атиги 4 нафари ўғил боладир. Фарзандларнинг энг каттаси 33 ёшда, кичиги бор-йўғи 4 яшар.

Ҳозирда 50 ёшни қарши олган ота уйланганида жуфти ҳалоли 15 ёшда бўлган экан.

— Биз ўғил кўришни жудаям ҳоҳлардик, лекин доим қиз туғиларди, — дейди ота. — Фақат ўн биринчисида ўғил дунёга келди.

Ҳозирги пайтда тўрт қиз турмушга чиққан ва бу серфарзанд жуфтликнинг 10 нафар набиралари бор.

УЧИНЧИ АВЛОД АТОМ СУВОСТИ КЕМАСИ ЯРАТИЛДИ


Россиянинг Северодвинск шаҳрида учинчи авлод «Гепард» атом сувости кемасининг синови бошланди.

Северодвинскдаги Шимолий машинасозлик корхонаси матбуот хизмати хабарига кўра, «Гепард»нинг сув сийғими 12,77 минг тонна, энг юқори тезлиги 35 узел. Кема экипажи 63 киши. «Гепард» 3 минг километрдан нишонни аниқ урувчи 24 та ядровий қанотли ракета билан қуролланган.

ТЕЛЕАНОНС

«Қонун химоясида» телегуруҳининг навбатдаги кўрсатуви эфирга тайёрланмоқда. Кўрсатувнинг бу галги сониди Фарғона вилояти прокуратураси идораларининг қонунчилиқни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларда даъвогарлик ҳиссини шакллантириш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги фаолиятлари хусусида хикоя қилинади.

Кўрсатув 18 декабрь куни соат 16. 00 да Ўзбекистон телевидениесининг 1 дастури орқали намоиш этилади.



XXI аср сари.